

ПЕРЕДАЧА НАЦИОНАЛЬНОЙ ЧАСТИ ДРУГА «ЮСУФ И ЗУЛАЙХО»

Турсуналиева Муслимабону Абдувосит кизи

Учитель арабской филологии

Ташкентский Государственный Университет Востоковедения

Аннотация: В статье сравнивается и анализируется оригинальная часть эпоса «Юсуф и Зулайхо» в переводе Огахи с оригиналом, написанным Джами на основе рукописей.

Ключевые слова: «Юсуф и Зулайхо», наът, рукопись, перевод, оригинальность, басмала, байт.

“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО” ДОСТОНИНИНГ НАЪТ ҚИСМИНИНГ БЕРИЛИШИ (ОГАХИЙ ТАРЖИМАСИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ АСОСИДА)

Турсуналиева Муслимабону Абдувосит кизи

Араб филологияси ўқитувчиси

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Аннотация: Ушбу мақолада Огахий томонидан таржима қидинган “Юсуф ва Зулайхо” достонининг наът қисми Жомий томонидан ёзилган аслият билан қўлёзмалар асосида солиштириб, таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “Юсуф ва Зулайхо”, наът, қўлёзма, таржима, аслият, басмала, байт.

Ҳамддан сўнг, албатта наът қисмига ўтилади. Наът ҳақида Суюма Ғаниева ва Қосим Содиковнинг “Ёзув тарихи ва китобат санъати” китобида қуйидагича таъриф берилади : “Унда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар мадх этилади. Унинг охирги пайғамбар эканлиги, мўжизалари, Унга Қуръони карим нозилгани, меърожга эришгани таъриф қилинади”¹. Огахий таржима қўлёзмасида ҳам 37 байт билан пайғамбарга саловат ва дуолар келтирилган.

¹Ғаниева С., Содиков Қ. Ёзув тарихи ва китобат санъати. – Т., 2013. – Б. 49.

محمد قلم اسم عظيمين

قيليب لحوق كمر ياز غاندا ميمين

عدم لوحى خطين اول قيلدى حكيم

بولوب سر حلق ملك ملكيم

Муҳаммад қалам исм азимин

Қилиб лаҳуқ камар ёзгонда мимин,

Адам луҳи хатин ул қилди ҳаким

Булуб сар халқ мулк мулкидин (ЎЗОТ 3а.)

Наът қисми биринчи байтлари Жомий наът қисми билан бир хиллиги бор, аммо Жомийда 27 байтдан иборат. Таржима қўлёзмасида наът қисмида ҳам форсий, ҳам арабий сўзларни учратиш мумкин, аммо туркий сўзлар устунлиги бор. Муҳаммад с.а.в. сифатларини беришда арабизмлардан фойдаланган бўлиб, юқорида у зотнинг исмларини عظيمين сифатини ишлатган. Маълумки, пайғамбаримизга нисбатан ишлатилган кўплаб сифатлар асарда араб тилидаги сўзлардан фойдаланилганлиги айнан шу наът қисмида кўришимиз мумкин. Пайғамбаримиз инсоният орасидаги энг маҳбублиги келтирилган. Унинг шаънига чиройли байтлар битилган. Огаҳий мадҳ қисмида пайғамбаримизни мукаррам, маҳбуб эканлиги айтиб ўтади. Оллоҳ бу дунёни пайғамбаримиз учун яратгани ҳақида ёзиб, шундай дейди:

مكرم بولدى آندين نسل آدم

ايورور بارچ مكريدين مكرم

Мукаррам бўлди ондин наслу одам,

Ерур барча макридин мукаррам. (ЎЗОТ 3б)

Наът қисмида Муҳаммад (с.а.в) туғилишлари, улар келган замондан буён ер юзида инсон мукаррам бўлганлиги, уни солиҳ бўлиши ҳақида ёзилган.

Жомий ҳам наът қисмида шундай дейди:

به نام آنکه نامش حرز جان هاست

ثنايش جوهر تيغ زبان هاست

زبان در کام, کام از نام او یافت

نم از سرچشمه ی انعام او یافت (ЙЗАЖ 27a)

Номи жонларнинг тумори бўлган зот номи ила,

Матҳи ўткир тилларнинг сиёҳи.

Тил танглайда, очилгай танглаюннинг исми ила,

Томчи ҳам бўлмуш унинг инъоми сарчасмаси ила ².

Кириш қисмида Огаҳий ушбу асарни таржима жаёнидаги ўз ҳолати билан танишитради. Муқаддимада истеъдодли шоир китобидаги баъзи бир ўзига ҳос хусусиятлар, белгилари ҳақида айтиб ўтади. Муқаддимада вожибу вужуднинг барча сифатларини беришга ҳаракат қилади. Огаҳий ёзади:

کیم قاش اولوب نور سعادتتتها

ایدی یوز جمیع دولتین زیاجت

Танҳо ким қош ўлуб нур саодат,

Еди юз жами давлатин зиёдат. (ЙЗОТ 3a)

Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони таржимасини олиб кўрайлик. Огаҳий бу асардан муаллифнинг суфистик таълимоти баён қилинган дастлабки уч бобни қисқартириб, ҳамд-наътдан сўнг келадиган Ҳусайн Бойқарога бағишланган бобни Ферузга мослаб таржима қилади. Бундан кейин келадиган ишқ моҳияти ва сўз моҳияти ва сўз таърифига оид уч боб ҳам, асар охиридаги Жомий ўғли насихатига ва саҳийликкабағишланган икки боб ҳам қолдирилган. Энг охирги боб – “Хотима” бобида Жомий асарининг кўнгилдагидай тамомланганлигини, унда мазмун ва шакл мумутаносиблиги сақланиб, фикр тарозуси асосий ўлчов бўлганлигини, достоннинг бош мазмуни соф севги ва садоқат эканлигини айтиб, китобнинг ёзилиш тарихи ва ижод қилмаган байтлар миқдорини келтиради. Достоннинг

²Tarjima muallif tomonidan amalga oshirilgan.

бу сўнгги бобини Жомий ўз дўсти Алишер Навоийга бағишланган самимий ва ҳақоқатли мисралар билан тугатган.

Таржимон Огаҳий бу бобнинг дастлабки қисмларини байтма-байт таржима қилиб келиб, Жомий асарининг ёзилиш тарихи ўрнига ўз таржимаси тарихини айтади-да, Навоийга аталган байтларни секин “ўз” султони шаънига ҳадя қилиб юборади.

“Юсуф ва Зулайхо” достонида сюжетга алоқадор бўлмаган “Фалакдан шикоят” боби ҳам борки, буни Огаҳий асарда ҳам сақлаб қолади. “Фалакдан шикоят” бобида шоирларнинг замона зиддиятларидан, тенгсизлик ва адолатсизликдан қилган ҳасратлари, инсон тақдирига қайғуришлари, уларнинг ҳаёт тўғрисидаги тушунчалари акс этган бўлади.

Огаҳий ўзининг ҳамма таржималарини сўзбошининг билан таъминлаган. Таржимон ёзган сўз бошиларида асар ва унинг муаллифи, таржиманинг сабаби, тарихи ҳақида маълумот беради. Сўз бошилардан биз таржимоннинг ўзи ҳақида, унинг ўз ҳукмдориға муносабати тўғрисида, таржима ва унинг аҳамияти борасидаги фикрларини, таржимада тутган принципини билиб оламиз. Ҳамма сўз бошиларда таржима учун танланган асарларнинг тарбиявий ва эстетик аҳамияти, унинг ўзбек халқини нодир асарлардан баҳраманд этишдаги ката роли таъкидланади. Шундан келиб чиқиб, бу хайрли ишга бош қўшган хоннинг нияти табрикланади.

Сўз бошиларда Огаҳий ўз аҳволининг оғирлиги ва жисмоний касталигини тез-тез элатиб туради: “Ушбу овонда бир муддатлиғ касал меҳнатидан ниҳоятсиз нотавон ва ғоятсиз хастажон эрдим”; “ман нотавону ожизу зор, неча кун эрдим бемор”, “ман” эттим оллида ажзимни изҳор, неча қатла қилиб узримни такрор”³.

³ Комилов Н. Шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бадиий маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1970. – Б. 190.

Фойданилган адабиётлар:

1. Огаҳий “Юсуф ва Зухайхо” таржима асари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтида №7787 инвентар рақами билан сақланади, 1876. –143 б.
2. Огаҳий “Юсуф ва Зухайхо” таржима асари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтида №6728 инвентар рақами билан сақланади, 1905. –143 б.
3. Огаҳий “Юсуф ва Зухайхо” таржима асари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтида №809 инвентар рақами билан сақланади, 1905. –145 б.
4. Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайхо. – Т.:Ўзбекистон, 1983.
5. جامی "یوسف و زلیخا" ناشر: نسخه الکترونیك. ص. 540.